

Янги йилни қутлаш

الاحتفال برأس السنة [الكريسمس]

[Ўзбекча -Uzbek -] [الأوزبكي]

Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид Ал-Асарий

2009 - 1430

islamhouse_{.com}

الاحتفال برأس السنة [الكريسمس]

« باللغة الأوزبكية »

عبد الله بن عبد الحميد الأثري

2009 - 1430

islamhouse.com

«Ахлуссунна вал-жамоа» кутубхонаси

«Тавхид рисолалари» силсиласи (9)

Янги йилни қутлаш

Муаллиф: Абдуллоҳ ибн Абдулҳамид ал-Асарий

Таржимон: Абу Жаъфар ал-Бухорий

Бисмиллахир рохманир рохийм

Аллохга хамду санолар, пайгамбаримизга, унинг оиласи, сахобалари ва уларга яхшилик билан киёмат кунига кадар эргашган кимсаларга салавот ва саломлар бўлсин.

Сўнг ...

Мусулмон дўстим, Аллоҳ сизга ва бизга раҳм килсин, билингки, бугунги кундаги мусулмонларнинг бошларига етган катта мусибатлардан бири, уларнинг яхудий, насроний ва улардан бошка жаханнам ахлидан бўлган кофиirlарга ўхшашларидир. Уларга расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг: «**Сизлар ўзларингиздан аввал яшаб ўтган (халклар) га изма-из эргашасизлар. Хатто заб(калтакесакка ўхшайдиган бироқ, ундан хажми каттарок бўлган гўшти ейиладиган хайвон) инига кирган бўлсалар, сизлар хам кирасизлар**»- деб айтган сўзлари муносиб бўлди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам сахобаларнинг: «**Ё расулатлоҳ, улар яхудий ва христианларми?**»- деб берган саволларига: «**Бўлмаса кимлар?**»- деб жавоб бердилар (*И мом Бухорий ва имом Муслим ривоятлари*).

Бошка бир ривоятда: «**Хатто, улардан бири ўз онасига кўчада жинсий алока килган бўлса, сизлар хам шундай киласизлар**» хадиси хам келган (*Саҳих хадис, Хоким ривояти*).

Аллоҳу акбар! Демак, бу - конундир. Хатто биз, Ислом динига мансуб бўлган кўплаб мусулмонларни кофир бўлган халклардан ажратса олмай колдик. Улар бир неча кисмга бўлиндилар.

* **Биринчи кисм: кибрлари, ёки динни таҳкирлаганлари, ёки дунёга берилганлари сабабли Ислом динидан бутунлай воз**

кечиб, ўз хохишларига эргашиб, ишлари расво бўлган одамлар.

Уларнинг сони жуда хам кўп.

* **Иккинчи кисм: Биринчи хижрий аср – сахобалар хаётидаги динни ушлаш ва унда событкадам бўлишга қувват топа олмаган одамлар.** Чунки расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сахобалари татбик этишган Ислом инсондан ўлиш, камалиш, сургун бўлиб якин кариндошлардан узоклашиш, ҳак сўзнинг аччиклигини тотиш каби фидоийликни талаб килади. Шунинг учун хам, бу кисмдаги одамлар Ислом дини билан бошқа динларни бирлаштириб, билмаган одамларни хурсанд килиш учун «модерн» Исломни келтириб чикардилар... Натижада, оят ва хадисларнинг маъноларини бузиб, ўринсиз ерларда истеъмол килдилар... Бу тоифа хам сон жихатидан жуда хам кўпдир. Шубҳасиз улар расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Йўқ, сизлар у кунда кўп бўласизлар. Селнинг кўпиги каби кўп бўласизлар**»- деб айтган кимсалардир (*И мом*

Ахмад ривояти, сахих хадис).

Уларнинг кўплари даъват ва даъват манфаати каби исломий кўринишларда кўринсалар-да, лекин, расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнидан бошқа турмуш тарзини яшамоқдалар. Улар гарчи кўпайиб, дунёни тўлдирсалар-да, Ислом динига галаба насиб килмас!

* **Учунчи кисм: Аллоҳ таъоло ҳакикатга хидоят ва унда событкадам килган одамлар.** Улар бу йўлдан расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Кавсар олдида дуч келгунларига кадар ажралмайдилар ва уни ўзгартмайдилар. Улар расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Умматимнинг бир тоифаси ҳакикат узра колади. Улар ёрдамсиз ташлаб кўйилсалар-да, ўз холларида коладилар**»- деб хабар берган «ахлул-ҳак» (ҳакикат эгалари) ва (нусратга эришувчи) «тоифа» дир (*И мом Муслим ривояти*).

Учунчи кисм Аллоҳ таъоло бизларни хам уларнинг тоифасидан килсин, зафар кучган тоифадир. Улар кофиirlарни ўзлари учун тенг кўрмаган, балки, улардан узок бўлган тоифадир. Балки, кофиirlарнинг биздан ва динимиздан ўrnak олиб, унга эргашишлари улар учун ифтихордир. Чунки иззат ва шараф Аллоҳники, расулиники ва барча мусулмонларницидир.

Биринчи кисм, Аллоҳ бизларни улардан бири бўлиб колишдан сакласин, зиёнкор, хор, хўр ва афсус чекувчи тоифа бўлиб, агар Аллоҳга кайтиб, тавба килиб, иймонларини янгиламасалар, оғир хаёт кечирадиган, киёмат куни кўр бўлиб тургизиладиган ва жаханнамга равона бўладиган тоифадир.

Иккинчи кисм одамларга келсак, биз ушбу рисолани уларга йўллаб, уларни Аллоҳ таъолога кайтиш, сиддиклар, шахидлар ва солихларга

(улар кандай яхши дўстлардир!) инъом этган тўгри йўлига эргашишга даъват этмокчимиз хамда жаханнам ахлининг хохишларига эргашиш ва уларга ўхшашликдан огохлантирмокчимиз. Чунки уларнинг аксари кофирларга онгсиз заиф иймонли холатда эргашиб, хакикат ва тўгри йўлни кўрсатиб, унга йўлладиган одамни топа олмаяптилар.

Энди кофирларга ўхшашнинг биз танлаган қўринишига кайтайлик:

янги йилни кутиб олиш.

Янги йил кечаси Аллоҳ таъоло: ««**Аллоҳ Масих ибн Маръямдир**»- деб айтган насроний (христиан)лар кофир бўлдилар» ва ««**Аллоҳ учтанинг учунчисидир**»- деб айтганлар кофир бўлдилар»- деб сифатлаган насронийлар ўзларининг бидъат байрамларини кутлаш учун тўпланадилар-да, у кеча Ийсо алайхиссолату вассалом хакида турли нарсаларни уйдирадилар. Ийсо алайхиссолату вассалом уларнинг бу кечада килган хаёсизликлари ва гунохларидан покдир. Уларнинг пайдо килган гунох ва ифтиrolарининг Ийсо ёки бошка пайгамбарлар, уларга Аллоҳнинг салавот ва саломлари бўлсин, олиб келган шариатга хеч кандай алокаласи йўқдир. Чунки у кечада кўшик, ракс, маст килувчи ичимликларни ичиш ва бундан бошка сон-саноксиз гунохлар коришмаси вужудга келади. Насронийлар: «Бу ишларнинг барчаси Ийсо алайхиссолату вассаломни ва унинг тугилган кунини хотирлаш учун»- деб гумон киладилар. Ийсо алайхиссолату вассалом эса уларнинг бу ишларидан безор бўлиб, рози эмасдир.

Энди сизга насронийларнинг Аллоҳ таъолонинг ўгли (Аллоҳ таъоло бундай ифтиrolардан покдир) ва Ийсо алайхиссолату вассаломнинг илохлиги хакидаги ботил эътиодларини баён киламиз-ки, уларнинг бу эътиодларидан Ийсо алайхиссолату вассалом барча халойик олдида Аллоҳ таъолонинг саволларига жавоб берар экан, ўзини оклайди. Аллоҳ таъоло деди: «**Аллоҳ: «Хой Маръямнинг ўгли Ийсо, сен одамларга: «Мени ва онамни Аллоҳни кўйиб илоҳ килиб олинглар!»**»- деб айтдингми?»- деди. (Ийсо алайхиссолату вассалом): «... Мен сени поклайман»- деди».

Ушбу ифтиро ва сохта эътиодлардан тоза калб, соглом хилкат, хатто, Ер, Осмон ва тогу тошлар хам нафратланадилар. Замондошларимиз ичida яхудий ва насронийларга барча нарсаларда, хатто, куфр байрамларида хам эргашаётган хамда тараккиёт ва маданият яхудий ва насронийларга барча нарсаларда эргашишдадир, деб гумон килаётган ва ўзини Ислом динига мансуб дея хисоблаётган (Ислом дини улардан бегонадир) жохил мусулмонларнинг холи жуда хам ачинарли ва ажойибдир. Чунки уларнинг бу холлари ўз шарафларининг манбаи бўлган динларидан чикканлари сабаблидир. Шунинг учун хам, уларга камчилик ва

хорлик хукмрон бўлди-да, улар кофирларнинг думига айландилар: ўзларининг дини – Ислом асослари Аллохнинг шариатига зид бўлган барча нарсаларга мухолиф бўлиш эканини била туриб, кофирлар ортидан кўр-кўrona юрмокдалар. Мусулмонлар уларнинг конунлари, одатлари, байрамлари, кийинишлари, ейишлари, ичишлари ва хатто кўринишларида хам таклид килмокдалар. Сизга насиҳатгўйлар оз бўлган замонамида, динимизни онгли суратда билишимиз учун зикр этган нарсаларимизнинг баъзи намуналарини келтирамиз.

1. Аллоҳ таъоло деди: «Сўнг биз сизни шариат узра кўйдик. Бас, сиз унга эргашинг, билмайдиган кишиларнинг хошишларига эргашманг!» (Жосия: 18).

Шайхулислом ибн Таймийя рахимахуллоҳ деди: «... Аллоҳ таъоло Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва салламни ўзи тушиб берган шариат узра кўйиб, унга эргашишга буюрди. Айни пайтда билмайдиган одамларнинг хошишларига эргашишни таъкилди. Аллохнинг шариатига мухолиф бўлган барча одам, «бilmайдигan» кишилар сафига киради. «Хошишлари» эса уларнинг хошишлари, мушрикларнинг ботил динлари такозо этган хаёт тарзидир. Мушриклар шунигина истайдилар ва уларга бу ишларда мувофик келиш уларга эргашиш, демакдир. Шунинг учун хам, кофирлар мусулмонларнинг баъзи ишларда ўзларига мувофикларини кўрганларида кувонадилар. Ва мусулмонларни ўзларига мойил килиш учун кўпроқ куч сарф килишни орзу киладилар» («Иктизоус-сиротил мустакийм ли мухолафати асхабил-жсаҳийм», доктор Носир ибн Абдулкарим Актадики).

2. Аллоҳ таъоло деди: «Сизга илм келганидан сўнг уларнинг хошишларига эргашсангиз, демакки, сиз золимлрадан бирисиз» (Бакара: 145).

Аллоҳ таъоло яхудийлар хакида: «Агар сиз илм келганидан сўнг у (яхудий) ларнинг хошишларига эргашар экансиз, ўзингиз учун дўст ва сакловчи топа олмайсиз»- деди (Раъд: 37).

Ибн Касир рахимахуллоҳ ушбу оят тафсирида: «Ушбу оят, илм ахлларининг пайгамбар суннати хамда шу суннатда юрган кишиларнинг йўлларида юрганидан сўнг адашган кимсаларнинг йўлларига эргашган кишилар учун каттик жазо борлигидан хабардир»- деди.

Ибн Таймийя рахимахуллоҳ: «Ушбу оятдан яхудийларга мухолиф бўлиш шариатдан экани маълум бўлмокда»- деди.

3. Аллоҳ таъоло деди; «Хой мўъминлар, «роъино» (бизга бокинг) деманглар, балки, «унзурно» (бизга бокинг) ва эшитинглар, деб

айтанглар. Кофирлар учун аламли азоблар бордир» (Бакара: 104).

Иbn Касир рахимахуллох ушбу оят тафсирида шундай деди: «**Аллох таъоло мўмин бандалариға ўз сўзлари ва ишларида кофирларга ўҳшашни таъкиклади. Чунки яхудийлар – уларга Аллохнинг лаънати бўлсин – агар: «Бизга кулок сол» демокчи бўлсалар «роъино» дер ва «енгилтаклик» маъносидаги («руъунат» ўзакли) охангни билдирад эдилар..».**

Чунки яхудийлар пайгамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам учун «роъино» сўзини истеъмол килганлари пайт айни шу маънони назарда тутар эдилар. Шунинг учун хам, Аллох таъоло мўъминларга хатто сўзларда хам яхудийларга мухолиф бўлишни амр этди.

4. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Ким бир халкка ўҳшаса, бас, у улардан биридир»- дедилар (Абу Довуд «Сунан» да ривоят килди, сахих хадис).

Ушбу хадисда хам мусулмон бўлмаган халкларга ўҳшаш учун каттиқ жазо белгиланмокда.. Демак, такволи ва солих одамларга ўҳшаган кимса, улардан биридир. Яхудий ва насронийларга ўҳшаган кимса эса, Аллох сакласин, улардан биридир.. Аллома ibn Касир рахимахуллох ушбу хадиснинг шархида шундай дейди: «**Ушбу хадисда мўъминларнинг сўзлари, ишлари, кийимлари, ибодатлари ва бизга шариат буюрмаган ва икрор бўлмаган нарсаларда кофирларга ўҳшашлари таъкиланган»** (Иbn Касир.

Бакара сурасининг 104- оягининг тафсири).

5. Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Бошқаларга ўҳшаган кимсалар биздан эмасдир. Яхудий ва насронийларга ўҳшаманглар! Бас, яхудийларнинг саломи бармоклар билан, насронийларники эса кафт билан ишора килишдир» («Сахихул-Жомеъ»: 5434).

Аллоху акбар!...

Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг суннатларига эргашмаган, унинг суннатларидан воз кечган, балки, суннатларни масхара килган хамда кофирлар хаётининг асосини татбик килиб, «Мен расулуллох соллаллоху алайхи ва салламга эргашаман»- деб айтса-да, кофирлар хаётидаги барча нарсаларни, хатто, икирчикирларни хам олиб, уларга калбида хурмат-эхтиром ва хайратларини яширган кишининг холи нима бўлар экан?!

6. Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам: «Бошқаларнинг суннатлари (йўллари) ни олган киши биздан эмасдир»- дедилар. Демак, Мухаммад соллаллоху алайхи ва салламнинг суннатларини тарк килиб, насроний ва яхудийларнинг суннатларини олган хамда пасткаш нарсаларни гўзал нарсалар устига афзал кўрган кишининг,

гарчи Ислом динига мансуб ва мусулмонлар исми билан чакирилсалар-да, Ислом динида хеч кандай насибаси йўқдир.

7. Аллоҳ таъоло коғирларга уларнинг ботил одатларида мухолиф бўлган мўъмин бандаларини мадҳ этди: «... Ёлгон нарсаларга гувоҳ бўлмайдилар. Бехуда нарсалар олдидан магрур туриб ўтиб борадилар» (Фуркон: 72).

Кўплаб муфассир ва салаф олимлари ушбу оятдаги «Ёлгон нарсаларга гувоҳ бўлмайдилар» жумласини: «Улар мушрикларнинг байрамларида иштирок этмайдилар»- деб тафсир килдилар.

8. Имом Абу Довуд ўзининг «Сунан» ида ишончли ривоятчилар силсиласи билан ривоят килди: «Бир киши Бувона номли ерда тужа сўйишни назр килди. Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва саллам унга: «У ерда сигиниладиган жохилият бутларидан бириси бормиди?»- деб сўрадилар. Сахобалар: «Йўқ»- деб жавоб бердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: «У ерда бутпарастларнинг байрамлари бўлар эдими?»- деб сўрадилар. Сахобалар: «Йўқ»- деб жавоб бердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: «Назрингта вафо кил! Аллоҳга осий бўлиш учун ёки одам фарзандининг кучи етмайдиган нарсаларда назр килинса, (ундай назрларга) вафо килинмайди»- дедилар» (Сахих хадис).

Хадисдан мушрикларнинг байрамларига розилик билдириш ва шу байрамларда, Аллоҳга итоат килиш бўлса-да, хозир бўлиш гуноҳ экани маълум бўлмокда. Чунки Аллоҳга осийлик килинган ушбу

ерларнинг шу макомига эътироф этиш ифодаланмокда.

9. Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва саллам: «Хар бир халкнинг ўз байрами бор. Бу кун - бизнинг байрамимиздир»- дедилар (Имом

Бухорий ва имом Муслим ривоятлари).

Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва саллам мадина шаҳрига кўчиб келганларида мадиналикларнинг иккита байрами бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: «Бу кандай кунлар?»- деб сўрадилар. Мадиналиклар: «Биз жохилият даврида бу кунларда байрам килар эдик»- дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам: «Аллоҳ таъоло сизлар учун бу икки кунингизни курбон ва рамазон байрамларига алиштириди»- дедилар (Абу Довуд: «Сунан», сахих хадис).

Хофиз Захабий раҳимахуллоҳ ўзининг бебаҳо китоби «Ташаббухулхасис би ахлил-ҳамис» (Ҳасиснинг пайшанба ахлларига ўхшаши) да шундай дейди:

«Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва салламнинг ушбу сўзларидан хар бир халкнинг ўзига хос байрами бор экани тушунилмокда. Зоро, Аллоҳ таъоло: «Уларнинг хар бири учун шариат ва йўл килиб кўйдик» демокда. Агар насроний ва яхудийларнинг ўзларига хос байрамлари бўлар экан, демак, мусулмон уларнинг шариат ва

киблаларида шерик бўлмаганидек, байрамларида хам иштирок этмасин. Умар разияллоху анхунинг шартларидан бири, зиммийларнинг байрамларини ошкор килмасликлари эди. Мусулмонлар бу шартга иттифок килдилар. Шундай экан, мусулмон уларнинг малъун анъаналарини ошкор килишга кандай журъат этсин! «Ла хавла ва ла куввата илла биллахил алиййил азийм» Холбуки. Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам: «Одамлар гуноҳ ишни кўриб ўзгартмасалар, Аллоҳ уларга ўз жазосини ёппа килади»- дедилар (Имом Термизий: «Сахихус-Сунан»).

... Аллоҳ номига онд ичиб айтаманки, сен насроний динини улуглашнинг кайси тарафи бўлса килмоқдасан. Аллоҳ номига онд ичиб айтаманки, сен бу (насроний динининг анъаналари) ни инкор этмасанг, шубҳасиз, унга рози бўлган кимсалардан ёки жохиллардан бири бўлиб коласан. Аллоҳдан эса жохилликдан паноҳ сўраймиз. Холбуки, расулуллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам: «Бир халкка ўхзшаган киши, улардан биридир»- дедилар. Агар бирор киши: «Биз уларга ўхшашни касд килмадик» деса, унга: «Уларга байрамлари ёки белгиларида ўхшашлик ёки мувофиклик харомдир. Бунинг далили расулуллоҳ соллаллоху алайхи ва салламдан ривоят килинган ушбу сахих хадисдир: «расулуллоҳ соллаллоху алайхи ва саллам Куёшнинг балкиш ва ботиш пайтларида намоз ўкишни таъкиладилар ва: «Куёш Шайтоннинг икки шохи ўртасидан чикади. У пайтда кофирлар Куёшга сажда киладилар»- дедилар (Имом Муслим ривояти).

Намозхон бу гуноҳни касдан килмайди. Чунки бу гуноҳни касд килиш куфрдир. Зоро, кофирларнинг ибодатларига мувофиклик ва шерик бўлиш харомдир.

Бундан ташкари, мусулмон авлодларнинг куфр байрамларини улардаги кайфу-сафолар, кийинишлар, озик-овкатлар ва бошка нарсаларга бўлган мухаббат билан улгайишлари, кофирларга ўхшашлик ортидан келган фасодлардан биридир. Агар ўз рафикангиз ва ва фарзандларингизни бу байрамлардан тўсмасангиз ва бу байрамларнинг насронийлар байрами бўлиб, мусулмонларнинг иштирок этишлари мумкин эмаслигини тушунтирмасангиз, ёмон мураббийлардан бири бўлиб коласиз» (27 – 29- бетлар). 10. Шайхулислом ибн Таймийя раЖимахуллоҳ деди: «Аллоҳ таъоло: «Хар бир халк учун ибодат килиб кўйдик ва улар ибодат киладилар»- деб айтганидек, байрамлар хам кибла, намоз ва рўза каби шариат, дастур ва ибодатларнинг биридир. Шунинг учун хам, байрамларда иштирок этиш билан, бошка дастурларда иштирок этиш ўртасида фарқ йўқдир. Гайри динларнинг барча байрамларига розилик, куфрга розилик, демакдир. Бу байрамларнинг баъзи кўринишларига мувофиклик, куфнинг баъзи тармокларига

мувофикаларидир. Балки, байрамлар шариатлар ажралып туралынан белги ва зохир бўлган анъанадир. Бас, байрамларда кофирларга мувофик бўлиш, куфр шариати ва анъанасининг ўзига хос кўринишларидан биридир. Шубҳасиз, бу мувофикалик ўз шартлари билан куфрга олиб боради» («Иктизоус-сиротил мустакийм»: 1/ 471).

Аббон разияллоху анху Умар разияллоху анхунинг: «Аллоҳ душманларининг байрамларидан узок бўлинглар!»- деб айтганини ривоят килди (Байхакий: «ас-Сунанул-Кубро»: 9/ 234). Сўнг ...

Бу масала хакидаги далиллар жуда хам кўп бўлиб, кичик бўлган ушбу рисола уларнинг барчасини ўз ичига ола олмайди. Уларнинг тафсилотини билмокчи бўлган одам шайхулислом ибн Таймийя рахимахуллохнинг «Иктизоус-сиротил-мустакийм ли мухолафати асхабил-жахийм» китобига мурохаат этсин. Бу китоб хакикатан хам ўкишга лойикдир. Бизнинг фикримизча, шу ерга кадар келтирган далилларимиз, ўкувчининг кўп одамларнинг кофирларга ўхшашлари ва расууллоҳ соллаллоху алайхи ва салламнинг суннатларини тарқ килишлари каби залолат ва кингирликларини билиб олиши учун етарлидир.

Бу далилларни янги йил байрамида тўпланиш ва насронийларни: «Байрамингиз муборак бўлсин!» дея янги йил билан табриклиш, кўп мусулмонлар билмай тушиб колган ботил нарсалар экани маълум бўлмокда.

Ахир мусулмон кофирга: «Байрамингиз муборак бўлсин!»- деб кандай айтиши мумкин?! Холбуки, Аллоҳ таъоло кофирнинг жаханнамда мангуколишидан хабарлар берди-ку! Ибн Койим рахимахуллоҳ «Зиммийларнинг хукмлари» номли китобида шундай деган: «... Аммо кофирларни байрамлари билан табриклиш ва: «Байрамингиз муборак бўлсин!» ёки «Байрамингизни яхши ўтказинг!» ва шу каби тилаклар билдириш харомдир. Буни айтган (мусулмон) куфрдан кутулса-да, харомдан кутула олмайди. Холбуки, бу – кофирнинг хоч (крест) га сигинишини табриклиш, демакдир. Балки, бунинг Аллоҳ таъолонинг хузуридаги кабохати арок ичиш, одамни ноҳак ўлдириш ва зино каби гунохлардан кўра ёмонроқдир. Бу ишларни динининг мохиятини тушунмаган мусулмонлар килмокдалар ва бир бандани гунох, бидъят ёки куфр билан табриклишнинг накадар вакоҳат экинини билмаяптилар ва Аллоҳ таъолонинг газаби ва интикомига дуч келмоқдалар» (1/ 205, 206).

Мусулмон дўстим, ушбу рисоладан кофирларни байрамлари билан кутлаб табрикнома ва совгалар юбориш ёки олиш мумкин эмаслиги сизга маълум бўлган бўлса керак. Шунинг учун хам, кофирларнинг

байрамларида сизга келган табрикнома ва совгаларни келган ерига кайтаринг. Хусусан, арча дараҳтини. Чунки насронийлар Ийсо алайхиссолату вассаломни арча дараҳтининг остида туғилган, деб арчани ўзларининг диний рамзлари килиб олганлар. Бундан ташкари, уларга байрамларида куфр, гунох ва диний анъаналарини ўтказишларида ёрдамчи бўладиган барча нарсани сотиш хам мумкин эмас.

Ибн Таймийя рахимахуллоҳ: «Кофириларга диний анъаналарини ўтказишлари учун ёрдамчи бўладиган барча нарсани сотиш мумкин эмас»- деди.

Шунингдек, расмий доиралар ва иш ерларидаги кўп мусулмонлар одатланганидек, янги йил байрами ўтадиган кунларни таътил (хордик) кунлари килиш хам мумкин эмасдир. Чунки бундай килиш насроний динининг анъаналарини кўрсатиш хамда уларнинг байрамлари ва динларини олкишлаш, демақдир.

Ханафий мазхабига мансуб шайх мулло Алий ал-Корий рахимахуллоҳ шундай деди: «Наврӯз байрами куни мажусийга бир тухумни совга килган одам кофир бўлади. Чунки у мажусийнинг куфри ва залолатига ёрдам берди ёки совга бериши билан уларга ўхшади. Баъзилар: «Мусулмон Наврӯз байрамида мусулмонга совга берса кофир бўлмайди» демокдалар. Бу сўзга диккат этиш керак. Чунки бу ишда мажусийларга ўхшашлик бордир. Табиийки, касдиз (билмай) Наврӯз байрамига келиб колган одамнинг хукми фарклидир».

«Мажмаун-Навазил» китобада шундай дейилган: «Мажусийлар Наврӯз байрамида тўпланганида мусулмон: «Кандай яхши йўл топишибди!» деса кофир бўлади, дейилган. Нега? Чунки у Ислом одатларини кабоҳатга чикаришни кафолатлаш билан бирга, куфр тузукларини мактамокда».

«ал-Фатава ас-Сурғо» китобида шундай дейилган: «Наврӯз куни илгари одатланмаган нарсани Наврӯз байрамини улуглаб сотиб олган киши катта гунохни килиб, кофир бўлади. Чунки у кофириларнинг байрамларини улуглади» (Имом Аъзам рахимахуллоҳнинг «ал-Фикхул-Акбар» китобига ёзилган шарҳ: 186). Имом Захабий рахимахуллоҳ деди: «Яхудий ва насронийлар билан бирга уларнинг байрамларида иштирок этиш учун улар каби хушбўй шамлар сотиб олиш, таомларни хозирлаш, хотин ва болаларни безаш катта гунохлардандир. Холбуки, улар бизнинг кул остидаимизда маглуб бўлиб, бизнинг байрамларимизда иштирок этмаяптилар, бизларга ўхшамаяптилар ва биз килган ишларни килмаяптилар. Хой мусулмон, киёмат кунида пайгамбаримизга кайси юз билан рўбарў бўласиз?! Ахир сиз пайгамбаримиз соллаллоҳу алайхи ва салламнинг суннатига зид, Ислом динининг душманлари бўлган

адашган кофирларнинг ишларини килмоқдасиз-ку! Баъзилар: «Биз бу ишларни кичик ёшдаги болаларимиз ва хотинларимиз учун килмоқдамиз-ку?!» десалар, уларга: «Энг расво бўлган одамлар фарзандлари ва хотинларини Аллохнинг газаби келадиган нарсалар билан рози килган кишилардир» дейилади... Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анху деди: «У (мажусий) ларнинг наврӯзлари ва байрамларини килган хамда ўлгунига кадар уларга ўхшаб яшаган киши киёмат кунида улар билан бирга тўпланади» (Байҳакий ривояти).

Абдуллоҳ ибн Амр разияллоҳу анхунинг ушбу сўзлари мажусийларнинг байрамларини килиш катта гунохлардан эканини билдиримокда. У ишнинг ози кўпига олиб боради. Мусулмон бу даричани бутунлай беркитиши, рафикаси ва фарзандларини у ишдан нафратлантириши керак. Яхшилик одат бўлса, бидъатлардан сакланиш ибодатдир. Хеч бир кимса: «Фарзандларимни хурсанд килаяпман»- деб айтмасин. Хой мусулмон, нахотки, уларни хурсанд килиш учун Аллохнинг газабини келтирадиган нарсаларни топган бўлсанг! Ахир бу куфр ва тугён белгиси-ку! Сен ёмон мураббий экансан-ку! Бундай десам, сен ўзинг шундай тарбия кўргансан-да!

(Ташаббухул хасис би ахлил хамис»: 37).

Шуни хам огохлантиришимиз керак-ки, Аллохнинг душманларига ўхшашнинг энг хунук кўриниши кўплаб мусулмонлар, улар ичida раҳбарлар ва уларга итоат этган оддий мусулмонлар хам бор, гайри динларнинг тузган сохта, Аллоҳ таъоло нозил килмаган конун ва дастурларининг колдикларини олиб келишлари, у конунларга ўрталаридаги келишмовчиликларни хал этиш учун мурожаат этишларидир.

Бу – гайри динларга залолат ва кингир ишларида эргашиш ва ўхшашлик, демакдир. Балки, бу, Аллоҳ сакласин, очик куфрдир.

Чунки инсон акли билан харом, харом килган нарсаларни эса халол килади. Номус, кон, жон ва моллар учун Аллоҳ таъоло нозил килмаган ва шариатга зид бўлган хукмлар чикаради. Гайридинларга ўхшашнинг соколларни кириш, гайридинларнинг кийимларини кийиш ва турмуш тарзида ўрнак олиш каби кўринишлари хам мусулмонлар ичida кенг ёйилган.

Уларга ўхшашнинг энг ёмони – уларни яхши кўриш хамда мусулмонлар ичидаги такволи ва солих кишиларни ёмон кўришдир... Зоро, Аллоҳ йўлида яхши кўриш, иймоннинг энг мустахкам асосларидан биридир.

Рисоламизнинг сўнггида шуни эслатмокчимиз: Аллоҳ таъоло буюк бир хикмат – жаханнамга тушадиган кофирларга бўлган мухаббат мусулмоннинг калбига кирмаслиги учун уларга ўхшамасликка

буюрди. Чунки улар Аллох таъоло ва барча мусулмонларнинг душманлариdir. Ишларда уларга мувофик ёки ўхшаш бўлиш якинлик ва ўрганишни, кейин эса дўстлик ва мухаббатни вужудга келтиради. Холбуки, Аллох таъоло шариатдан юз ўтирган душманларини яхши кўрган кишиларда иймон бўлмаслигини баён килиб деди: «Аллохга ва охират кунига иймон келтирган кишиларнинг Аллох ва расулига душман бўлган кишиларни, гарчи оталари, ўгиллари, огалари ва кариндошлари бўлса-да, дўст тутганларини кўрмайсиз...» (Мужодала: 22).

Аллох таъолодан бизларни Аллох яхши кўрган кишиларни яхши кўриб, дўст хисоблаш, Аллох ёмон кўрган кишиларни эса ёмон кўриш ва душман хисоблашга муваффак килишини сўраймиз. Аллох

яхши дўст ва яхши ёрдамчидир...

Илохим, етказдикми?.. Илохим, ўзинг гувоҳ бўл!..

